

Ҳадис дарслари (161-дарс). Икки хислат мунофиқда жам бўлмайди



19:00 / 24.11.2021 3178

أَلَا قَدْ مَلَ سَوْهٍ لَعَلَّ يَلْصُقُ بِبَنِي لَيْلَى عُنُورُ لَيْلَى صَرَّهَ رِيَّ بَأَنْعَ
بِنِي دَلَّيْ فَوْقَ الْوَتْمِ سُنُوحُ؛ قَفَانُ مِيفِنَاعِ مَتَّحَاتِ الْبَنَاتِ لَصَرَخِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки хислат мунофиқда жам бўлмайди: гўзал шакл ва динда фақиҳ бўлиш», деганлар».

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифлари хабар шаклида келса ҳам, лекин буйруқ маъносини ифода қилмоқда.

У зотнинг: «**Икки хислат мунофиқда жам бўлмайди: гўзал шакл ва динда фақиҳ бўлиш**» деганлари «Эй умматларим, мунофиқ бўлмайин десангиз, гўзал шаклга эга бўлишга ва динда фақиҳ бўлишга урининглар!» деганларидир.

Демак, ушбу ҳадиси шарифни ҳаётимизга татбиқ қилиб, гўзал шаклга эга бўлиш ва Ислом динида фақиҳ бўлиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Гўзал шаклга эга бўлиш том маънода гўзал бўлишдир. Исломда ҳар бир нарса гўзал бўлишига тарғиб қилинади. Шунинг учун биз, мусулмонлар

том маънода гўзал бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Динда фақиҳ бўлиш – Ислом динини дақиқ тушуниш эса, икки дунё саодатимиз учун ниҳоятда зарурдир. Динда фақиҳ бўлиш иймон нимаю куфр нима, Ислом нимаю нифоқ нима, савоб нимаю гуноҳ нима, ҳалол нимаю ҳаром нима, жаннат нимаю дўзах нима, жаннатга нима билан эришиладию, дўзахга тушишга нима сабаб бўлади каби ва шунга ўхшаш муҳим масалаларни тўлиқ билиш деганидир.

Биз, мусулмонлар мунофиқ бўлмайлик, десак, ушбу ҳадиси шарифда кўрсатилган икки нарсани ўзимизда жам қилишга уринишимиз лозим. Бу билан эса икки дунёмиз саодатини таъминлаган бўламиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди